

Date: 3rd May-2026

«ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ТИББИЙ
ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ»

Ходжабаева Наргиза Исаковна

PhD, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

e.mail.nargizahodjabaeva@gmail.com

Аннотация: Ушбу ишда Россия Федерацияси ва хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ, Франция) жиноят қонунчилигидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ҳуқуқий табиати ва мазмуни қиёсий таҳлил қилинади. Муаллиф шахсининг ҳуқуқий мақоми, даволаш самарадорлиги ва мажбурлов чораларини қўллашдаги "монопсихиатрик" ёндашув муаммоларини кўриб чиқади. Хорижий давлатларда ушбу чоралар "хавфсизлик чоралари" сифатида қандай ишлаши ва уларнинг жазо тизими билан боғлиқлиги ёритиб берилган.

Аннотация: В данной работе проводится сравнительно-правовой анализ правовой природы и содержания принудительных мер медицинского характера (ПММХ) в уголовном законодательстве РФ и зарубежных стран (Великобритания, США, Франция). Автор рассматривает вопросы правового статуса лиц, эффективность лечения и проблемы «монопсихиатрического» подхода при применении данных мер. Освещается специфика функционирования ПММХ как «мер безопасности» в зарубежной практике и их взаимосвязь с системой наказаний.

Калит сўзлар: тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, ақли норасолик, хавфсизлик чоралари, қиёсий ҳуқуқшунослик, жиноят ҳуқуқи, превентив изоляция, руҳий касалликлар.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 97-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан қуйидаги шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин: а) РФ ЖК Махсус қисмидаги моддаларда назарда тутилган қилмишларни ақли норасолик ҳолатида содир этганлар; б) жиноят содир этгандан кейин жазони тайинлаш ёки ижро этишни имконсиз қиладиган даражадаги руҳий касалликка чалинганлар; в) жиноят содир этган ва ақли расоликни истисно қилмайдиган руҳий касалликдан азоб чекаётганлар. Ушбу шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари фақатгина уларнинг руҳий ҳолати ўзига ёки атрофдагиларга хавф туғдирса ёхуд бошқа жиддий зарар етказиш эҳтимоли бўлган ҳолларда тайинланади. Мазкур чораларнинг ижро этиш тартиби Россия Федерациясининг жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа федерал қонунлари билан белгиланади. Руҳий ҳолатига кўра хавфли бўлмаган шахсларга нисбатан суд даволаш масаласини ҳал қилиш учун зарур материалларни соғлиқни сақлаш органларига ёки ижтимоий ҳимоя муассасаларига ўтказиши мумкин. РФ ЖК 97-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган руҳий касалликка чалинган шахслар Россия Федерацияси Конституциясида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини руҳий касаллик билан боғлиқ ҳолда



Date: 3rd May-2026

чеклаш фақат РФ қонунларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. РФнинг “Психиатрия ёрдами ва уни кўрсатишда фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1992 й.) Қонунига кўра, нисбатан қисқа муддатли мажбурий даволанишда шахс ҳақ тўланадиган меҳнатга лаёқатсизлик варақасига эга бўлади, қолган барча ҳолларда унга 1 ёки 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланиши керак. Тиббий воситалар ва усуллар фақат ташхис қўйиш ва даволаш мақсадларида, руҳий касалликнинг хусусиятига мувофиқ қўлланилади ва шахсларни жазолаш ёки бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида ишлатилмайди.

Муаллифнинг фикрича, ушбу принципиал қонуннинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Масалан, тиббий ёрдам сифатининг ошиши ягона вазирлик доирасида ташхис қўйиш ва даволаш тактикасининг изчиллиги ҳамда бир хил ёндашувнинг ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Салбий томонларга эса «монопсихиатрик ёндашув» киради. Бунда бемор фақат руҳий касалликдан (яъни гидроки, тафаккури, ҳиссиётлари ва хотирасидаги бузилишлардан) даволанади, аммо ҳуқуқий менталитетни клиник-криминологик коррекция қилиш, жамият ва ҳуқуқий маданиятни оптималлаштириш вазифаси четда қолади. Чунки бундай вазифа Адлия вазирлиги ходимлари олдида қўйилиши мумкин, лекин ҳуқуқ назарияси, жиноят, жиноят-ижроия ҳуқуқи ва криминология фанлари билан таниш бўлмаган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг психиатрия стационари шифокорлари олдида эмас.

Бошқа хорижий мамлакатлар жиноят ҳуқуқида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, одатда, «хавфсизлик чоралари» сифатида амал қилади. Хавфсизлик чоралари жазодан фарқли ўлароқ, ўч олиш ёки кўрқитиш мақсадларини кўзламайди, балки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ёки содир этиши мумкин бўлган шахснинг «хавфли ҳолатини» бартараф этишга қаратилган.

Масалан, Буюк Британияда жиноят содир этган ва алкоголизмдан азоб чекаётган шахсларга нисбатан наркологик беморлар учун махсус муассасада сақлаш каби хавфсизлик чораси қўлланилиши мумкин. Агар: а) шахс айблов далолатномаси бўйича таъкиб қилинадиган жиноят учун ҳукм қилинган бўлса; б) суд жиноят мастлик таъсирида содир этилган деб топса ва жиноятчининг ўзи ёки маслаҳатчилар уни «одатий ичувчи» деб ҳисобласа, суд шахсни бундай муассасага 3 йилгача муддатга юборишга ҳақли. Тартибига кўра, бундай муассаса қамоқхонадан кам фарқ қилади. Шу сабабли қамоқ жазоси наркологик беморлар муассасасида сақлаш билан алмаштирилиши мумкин. Руҳий (аммо наркологик бўлмаган) касалликларга чалинган шахсларга нисбатан Буюк Британияда махсус муассасага интернирлаш (жойлаштириш) қўлланилади. Бу фақат ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ва Макнатен қоидаларига кўра ақли норасо деб топилган шахсларга нисбатан мумкин.

АҚШда ҳам шунга ўхшаш хавфсизлик чоралари қўлланилади. 70-йилларда «дефектив ҳуқуқбузарларни» превентив изоляция қилиш кенг тарқалган эди. Масалан, Мериленд штати қонунчилигига кўра, жиноий-ҳуқуқий тақиқ остидаги қилмишларга мойил бўлган, ақли заифлиги ёки ҳиссий беқарорлиги туфайли жамият учун ҳақиқий хавф туғдирадиган шахслар шундай деб тан олинган ва изоляция қилинган. АҚШ суд амалиётида жинсий зўравонликка мойил бўлган



Date: 3rd May-2026

шахс бузилишига эга шахсларни (жинсий психопатларни) превентив изоляция қилиш тез-тез ишлатилган. 1996 йил 8 октябрдаги АҚШ Федерал қонунига кўра, алкоголизм ва наркоманияга чалинган жиноятчиларга нисбатан мажбурий изоляция ва даволаш қўлланилиши мумкин. Маҳкум махсус тиббиёт муассасасига жойлаштирилади. Агар шахс суд томонидан тайинланган жазо муддати тугамасдан руҳий касалликдан тузалса, жазонинг қолган қисми қамоқхонада ўталади.

Францияда ҳам ақли норасо ёки ақли расолиги чекланган деб топилган шахсларга, шунингдек, алкоголизм, наркомания ва токсикоманияга чалинган хавфли шахсларга нисбатан тайинланадиган тиббий йўсиндаги чоралар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда Россия Федерациясида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари (ТЙМЧ) даволаш ва янги қилмишларнинг олдини олишга қаратилган жиноят-хукуқий чоралар сифатида қаралади. Ғарб давлатларида (Буюк Британия, АҚШ, Франция) эса бу чоралар кўпинча «хавфсизлик чоралари» сифатида таснифланади. Уларнинг асосий мақсади — содир этилган қилмиш учун жазолаш эмас, балки шахснинг «хавфли ҳолатини» зарарсизлантиришдир. Хорижий тажриба (айниқса АҚШ ва Буюк Британия) тиббий чораларнинг жазони ижро этиш тизими билан зич интеграциялашганини кўрсатади. Баъзи ҳолларда махсус шифохоналардаги режим қамоқхона билан бир хил, АҚШда эса комбинациялашган усул (аввал даволаниш, сўнг қамоқхонада жазонинг қолган қисмини ўташ) мавжуд.

Таъкидланган «монопсихиатрик ёндашув» муҳим жиҳат ҳисобланади. Шахснинг ҳукуқий онгини коррекция қилмасдан, фақат тиббий даволаш билан чекланиш рецидивларнинг (қайта жиноят содир этишнинг) олдини олиш самарадорлигини пасайтиради. Мажбурлов характери инобатга олмаган ҳолда, Россияда ҳам, хорижда ҳам шахс ҳукуқлари устуворлиги эълон қилинган. Бироқ амалиётда жамият хавфсизлигини таъминлаш ва руҳий касалликка чалинган шахснинг фуқаролик эркинликларини сақлаб қолиш ўртасидаги зиддият сақланиб қолмоқда.

Шундай қилиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тизимини такомиллаштириш учун сифатли психиатрик ёрдамни ижтимоий ва ҳукуқий реабилитация чоралари билан бирлаштирувчи комплекс ёндашув зарур.

